



## «Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт»

**Пойтахтимизда Марказий Осиёда ягона  
Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг  
тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**



### ЎЗБЕКИСТОН КАСБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум ҳурматли тадбир иштирокчилари, азиз меҳмонлар, қадрли талабалар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни Ўзбекистон касба уюшмалари тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилажак қутлуғ кунда муборакбод этаётганимдан беҳад бахтиёрман!

Сизларнинг юзингиздаги самимиятни, порлаб турган кўзларингиздаги нурни кўриб, очиги, кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Мана – Янги Ўзбекистоннинг эртаси, биз ишонган янги авлод!

Аён ҳақиқат шуки, қалбида Ватанга ва халққа меҳру садоқати жўш уриб турган инсонларгина Ватан тарихини ёзишга қодир бўлади. Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев айнан мана шу ёшларга, оловқалб ўғил-қизларга бу йўлда юксак ишонч билдирмоқда.

Зеро, улар бизнинг истиқболимизни белгилашга, уни янада баландроқ чўққиларга олиб чиқишга қодир авлоддир!

Жаҳонга янгидан тақдим этилаётган мамлакатимиз замонавий дунёга ҳар жиҳатдан мос ва катта саҳналарда туришга муносибдир.

Мен бугун катта ифтихор билан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тарихий воқеалик – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити аҳамияти ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман.

Азизлар, биз янги англашимиз ва идрок этишимиз керакки, дунёнинг ҳам иқтисодий, ҳам интеллектуал, ҳам ҳудудий, ҳам беқиёс ер усти ва ер ости бойлиқларига эга бўлган 14 та давлати раҳбарининг айнан Ўзбекистонда, ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанд заминидан бир даврага жам бўлиши, бу – тарих, буюк тарих!

Бўлиб ўтган учрашувлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар, олиб борилган музокараларнинг натижалари узоқ йиллар минтақамиз ҳаётига ёруғлик, янгиланишлар олиб келишига шак-шубҳа йўқ.

Бутун дунё аҳли ушбу Саммит баҳона янги Ўзбекистон салоҳиятига, унинг йўлбошчиси кўзлаган ёруғ ниётларга ошно бўлди. Айни шу маънода, Самарқанд саммити барчамиз учун ифтихор туйишга тўла асос бўла олади, шундай эмасми?

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улў мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва Бобурлардек дунёни ўзига қаратган улў аждодларга муносиб авлодни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бугун муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган тарихий янгиланишлар моҳиятида шу авлоднинг эртанги фаровон ҳаётига масъуллик зоҳир бўлиб турибди.

Жумладан, ўтган тўрт-беш йил ичида юртимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида аниқ ва кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оши-



рилди. Биз шу қисқа муддатда ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишларида янги кадрлар тайёрлашга мўлжалланган ўнлаб янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилганини кўрдик.

Тасаввур қилинг, бугун ҳар бир Ўзбекистон фарзанди олий таълим олиш истагини рўёбга чиқариш имконига эга бўлмоқда. Бу айтишгагина осон бўлган ишдир.

Мамлакатимизда Марказий Осиёда ягона ва ноёб ҳисобланган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг ташкил этилиши ҳам ана шу улў ниётнинг ижобати, десак асло муболаға бўлмайди.

Айни фурсатда сиз, азиз ўғил-қизларимизга шундай имкониятни яратган муҳтарам Юртбошимизга барчангизнинг номингиздан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар! Зеро, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси шахсан давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ҳамда 2021 йил 23 августда имзолаган қарорларига мувофиқ ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Мазкур академия, энг аввало, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида тобора катта заруратга айланиб бораётган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилди.

Барча халқаро талабаларга жавоб берадиган ушбу муассаса 850 ўринга мўлжалланган бўлиб, жорий йилда бу ерга 1300 нафарга яқин абитуриент ҳужжат топширди ҳамда 300 нафар энг билимли, изланувчан ёшлар ўқишга қабул қилинди.

Биринчи ўқув йилида академияга меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, инсон ресурсларини бошқариш, ижтимоий иш, психология, менежмент, меҳнат ҳуқуқи йўналишлари бўйича бакалаврият босқичига талабалар қабул қилинди. Кейинги йилларда академияда йўналишлар сони кенгайтирилади ва магистр-

лик босқичи ҳам иш бошлайди. Жорий йилдан эътиборан академиянинг сиртки бўлими ҳам очилади.

Таълим даргоҳида ўғил-қизларнинг сифатли таълим олишлари учун барча шароит ва имконият яратилган. Бу ерда уларга ўз соҳасининг етук профессорлари, тажрибали устоз ва ўқитувчилар илм-фан сирларидан сабоқ берадилар.

Шу маънода, тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу академия мамлакатимиз таълим тизимини янги мазмун билан бойитиши, албатта.

Мана шундай тарихий паллада қувончимизга шерик бўлиб, ушбу анжуманда иштирок этаётган барча юртдошларимиз ва меҳмонларимизга қарата айтмоқчиман: хуш келибсиз, азизлар! Барчангизни мана шундай мўътабар маскан иш бошлаётгани билан чин дилдан табриқлайман!

Ишончим комилки, мазкур даргоҳ Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожлантириш, дунё миқёсида рақобатбардош мамлакатга айлантиришга муносиб ҳисса қўша оладиган ва соҳага салоҳиятли кадрлар тайёрлашнинг асосий генератори бўлиб хизмат қилади.

Бу борада академияда иш бошлаётган ҳурматли устоз ва мураббийлар, ёшларга мурожаат қилиб, уларни илм-фан равнақи йўлида янада фаол бўлишга даъват этаман.

Сўзимнинг якунида буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг ўз даврида ёшларга қарата айтган қуйидаги сўзлари ила академиямизнинг қалдирғоч талабаларига юзланмоқчиман: «Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт».

Яъни, ҳар бирингиз инсонларга қуёш каби зиё нурини таратишни, яхшилик қилишни умрингизнинг мақсадига айлантиринг! Бунинг учун эса камолотга интилиб, илм-фан сирларини пухта эгалланг, ўз соҳангизнинг етук билимдонига айланинг!

Игна билан кудуқ қазишдек шарафли ва машаққатли изланишларингизда Яратганининг ўзи сизларга мададкор бўлсин!

Ушбу фурсатдан фойдаланиб мазкур таълим даргоҳини бунёд этишда куну тун тиним билмай меҳнат қилган ўзининг устаси бўлган барча қурувчиларимизга, академиянинг васийлик кенгаши аъзоларига ўз номимдан ва Федерация раҳбарияти, қолаверса, бугунги тадбир иштирокчилари номидан чуқур миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз! Илоҳим, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларида ҳеч қачон толманг, хонадонларингизга файзу барака ёғилсин!

Азиз дўстлар!

Жонажон юртимиз тинч бўлсин, шу азиз халқимиз бахтига маърифатпарвар Юртбошимиз доимо соғ ва омон бўлсинлар!

Сизларга муस्ताқкам соғлиқ, бахт-саодат, янги ютуқ ва омадлар тилайман!

Кутлуғ даргоҳ яна бир бор барчамизга муборак бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат!



Куни кеча пойтахтимизда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг расмий очилиш маросими ўтказилди. Марказий Осиёда ягона бўлган таълим муассасасининг иш бошлаши катта байрамга айланди. Эрта тонгдан замонавий қилиб қурилган бино атрофи гавжум. Кўпчилик суратга тушар, муассаса, унинг фаолияти, давлатимизга қандай кадрлар етиштириб бериши ҳақида тўлқинланиб сўзлашар, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз дейишарди...

Академиянинг очилиш маросими бошланди. Тантанали тадбирда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси вазирлиги кенгаши аъзолари, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти, республика вазирлик ва идоралари масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, нурунийлар ва маҳалла фаоллари, элимиз ардоғидаги устоз-мураббийлар ҳамда юртимизнинг таниқли ижодкорлари иштирок этишди.

Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашининг II йиғилишида иштирок этиш учун юртимизга келган Халқаро касба уюшмалари Конфедерацияси Умумевропа минтақавий кенгашининг масъул ходими Анна Сальникова, Қозғоғон касба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин, Тожикистон мустақил касба уюшмалари Федерацияси раиси Нейматзода Маликшо Маҳмадшо, Қирғизистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Эмиль Кызаев, Мўғулистон касба уюшмалари Конфедерацияси раҳбари Сухбаатар Эрдэнэбат меҳмон сифатида қатнашди.

Маросимни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов очиб, иштирокчиларни шу йилдан иш бошлаган академия билан қутлади.

**КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР**

Сўнги йилларда мамлакатимизда таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари таълим тизимига бағишлаб ўтказилган йиғилишда «Таълим-тарбия – бу бизнинг келажагимиз, ҳаёт-мамонт масаласи. Шу боис, бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ», дея алоҳида таъкидлади. Зеро, илм инсонни камолотга етаклайди, таваққурини ўстиради, халқи билимли давлат ривожланади, бой ва қудратли бўлади.

Боғчалар, мактаблар, коллеж, техникумлар сонини кўпайтириш билан бирга, шу эл, шу юртвага хизмат қиладиган етук кадрлар тайёрлаш ҳам бугуннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб турибди. Шу мақсадда кўплаб давлат ва но-



# «Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт»

давлат олий таълим муассасалари ташкил этилмоқда.

Шу йилдан эътиборан ана шу эзгу ишларнинг манткий давоми сифатида Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ ташкил этилган яна бир муҳташам олий таълим муассасаси – Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси фаолият бошлади.

Тадбирда академия мустақиллигимизнинг 31 йиллигига катта совға бўлгани алоҳида таъкидланди. Бу даргоҳда таҳсил олиб, жамиятга қўшиладиган кадрлар келажақда Учинчи Ренессанс пойдеворини қурадиган инсонлар бўлиши қайд этилди.

**ТАЪЛИМ ВА ФАН СОҲАСИДА КАТТА ВОҚЕА**

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев юртимизнинг иқтисоди бақувват, халқи фаровон, ривожланган давлатга айланганда буюк мақсад сари бошлаб бормоқда. Мамлакатимизда таълимнинг ҳар бир босқичига бўлган юксак эътиборнинг замирида эса мана шу улкан мақсадларни рўёбга чиқарадиган авлодни вояга ет-

зишдек олий ният муҳтасам. Айнан шу мақсадда биз, олимлар олдида ҳам таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, юрт учун етук кадрларни тайёрлаш борасида қатор вазифалар белгилаб берилган, – деди Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институти директори, сенатор, Ўзбекистон Қаҳрамони Шавкат Аюпов. – Ушбу муассасанинг барпо этилиши таълим ва фан соҳасида катта воқеа, Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишда ўзига хос тамал тоши бўлди, десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

Сўзга чиққан Тожикистон мустақил касба уюшмалари Федерацияси раиси Нейматзода Маликшо Маҳмадшо, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, касба уюшмалари меҳнат фахрийси Мирғиёс Зоитов, «Алишеробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчехра Аҳмедова, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси талабаси Нодирабегим Отабекова ва бошқалар жаҳондаги энг илғор таълим масканлари каби замонавий қилиб қурилган ва жиҳозланган, таълим жараёни ҳам шунга яраша ташкил этилган ушбу илм даргоҳи ўзбек халқига муносиб совға бўлганини эътироф этишди.

**КРЕАТИВ ФИКРЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ**

Юртимизда барча соҳалар қатори олий таълим тизимига ҳам кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, бу йўналишдаги ташаббуслар келажақда малакали, креатив фикрга эга бўлган кадрлар авлодини шакллантиришнинг кафолати саналади. Иқтисодий тarmoқларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ малакали кадрларни тайёрлаш, соҳага оид муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан ҳал этиш Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг асосий вазифаларидан биридир.

Шунингдек, замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологияларни, фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларини қўллаган ҳолда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида талаб юқори бўлган касблар, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрларни тайёрлаш, таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув-методик

адабиётларни яратиш, талабалар ва ёш мутахассисларни жалб қилган ҳолда фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, таълим тизимига етакчи хорижий таълим ташкилотлари тажрибасини жорий этиш, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитишнинг инновацион шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳам асосий фаолият йўналишларига кирди.

Илм маскани Россия, Озарбайжон, Беларусь, Хитой, Италия (ХМТ ҳузурдаги Турин ўқув маркази), шунингдек, бошқа институтлар ва тегишли миллий ва халқаро институтлар билан яқин ҳамкорлик қилишни режа қилган. Бошқа бир қатор давлатлар билан ҳам тажриба алмашиш, ўқув фаолияти, комплекс ўқув лойиҳалари, маслаҳат хизматлари, ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш мақсад қилинган. Академияда меҳнат муҳофазаси ва саннат ҳавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, инсон ресурсларини бошқариш, ижтимоий иш, психология, менежмент, меҳнат ҳуқуқи йўналишларида кадрлар тайёрланади.

**ТАНИШУВ**

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов, Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқўжаев ва бошқа бир қатор масъуллар Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг рамзий лентасини қирқиб, расман очиб беришди.

Академия ректори Сайфулла Аҳмедовга рамзий калит тантанали тарзда топширилди. Шундан сўнг иштирокчилар ва меҳмонлар академия фаолияти билан яқиндан танишишди.

Мазкур олий таълим муассасасида талабаларга барча имкониятлар яратилган. 20 нафар ўқитувчи фаолият юритади. Улардан 2 нафари профессор, 6 нафари доцент ва 3 нафари PhD илмий даражасига эга. Таълим янги технологиялар асосида жиҳозланган аудиторияларда олиб борилади. Ташриф буюрувчиларга маънавий ва маърифат маркази, электрон кутубхона, физика ва кимё фанлари бўйича лабораториялар, спорт комплекси, ётоқхона, ошхонадаги имкониятлар, таълим жараёнининг автоматлаштирилиши бўйича «Платформа» мажмуаси жорий этилгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, талабалар учун ўқув биносида wi-fi (бепул интернет), кутубхонанинг ўқув ва электрон заллари мавжуд бўлиб, электрон кутубхонадан масофавий ҳолда фойдаланиш мумкин. Асосий машғулотлардан сўнг талабаларнинг фанлар бўйича мустақил шуғулланишлари учун компьютер синфлари, лабораториялар ва махсус хоналар мавжуд. Шу каби маълумотлар кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ  
«ISHONCH»



Саломбар Абдураҳимов ва Носир Хайдаров олган суратлар.



## Муҳим масала муҳокамаси

Сирдарё вилоятининг 8 та туманида пахта йиғим-терими бошланди. Мазкур жараёни тартибли ташкил этиш, ҳосил нест-нобуд бўлишининг олдини олиш, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, терим учун белгиланган миқдордаги маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ берилишини назорат қилиш ишлари масъуллар томонидан оғишмай амалга ошириллаётир.

Сайхунобод туманининг «Холбўта ота» фермер хўжалиги пахта даласида Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши вакили Эркин Бойниёзов, тармоқнинг вилоят кенгаши раиси Ином Шакиров бошлиқларида ҳудуднинг 4 та сектор раҳбарлари, маҳалла раиси ва фаоллари иштирокида юзма-юз мулоқот қилинди.

Ушбу хўжалиқнинг 40 гектар майдонига пахта экилган ва бугун 43 нафар ҳашарчи йиғим-терим билан машғул.

Йиғилганларга дала шароити, ташкил этилган тоза ичимлик сув ва тушлик, терим пуллари ҳаққоний тўланиши ҳақида тушунтириш берилди. Туман халқ таълими бўлими вакили ўқувчиларнинг ихтиёрий равишда теримга чиқишлари олдини олиш мақсадида уларнинг дарсдан бўш бўлган даврини қизиқарли машғул ва спорт тўғрақлари билан банд қилингани ҳақида маълум қилди.

Мажбурий меҳнат учун жавобгарлик қатъийлиги, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар мурожаат қилиши мумкин бўлган телефон рақамлари айтилиб, мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шакли қонунга хилофлиги акс этган баннер ва флаерлар тарқатилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА  
«ISHONCH»

## Терим мавсумига тайёргарлик

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалигида йиғим-терим мавсумида муносиб меҳнат шароитларини яратиш юзасидан семинар ташкил этди.

Урганч шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида ўтказилган тадбирда Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳудудий комиссияси аъзолари, вилоят бандлик бош бошқармаси, АСМ ходимлари касба уюшмаси туман-шаҳар кенгаши раислари, барча пахта кластерлари раҳбарлари ва мутасадди

ташкilotлар вакиллари қатнашди. Кейинги йилларда кўрилатган чора-тадбирлар терим пуллари ўз вақтида тўлана, теримчиларга муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратилса, ҳеч қандай мажбуриятсиз ҳам ҳосил ўз вақтида териб олиниши мумкинлигини исботлади. Семинарда бу жиҳатга алоҳида тўхталиниб, пахта кластерлари ҳамда фермер хўжалиқларида муносиб меҳнат шароитларини яратиш, терим пуллари ўз вақтида тўлаш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш, мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Музаффар ОТАБОЕВ,  
Эркинбой БОЙЖОНОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши меҳнат инспекторлари



## Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Иштихон тумани кенгаши кўмаги билан тизимда ишлаётган 100 нафардан ортиқ соҳа ходими дам олдирилди.

## МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Ижтимоий кўмакка муҳтож, юқори малакали 28 нафар ходимга бепул йўлланма берилди. 51 нафар ходим, 24 нафар касба уюшма аъзосининг ота-оналари имтиёзли йўлланма билан таъминланди. 50 нафар ходим Хоразмга саёхатга бориб келди.

Меҳнатга рағбат бўлса, муваффақият қозониш кийин эмас. Утган фурсатда бир гуруҳ ўқувчилар фан олимпиадаларининг республика ва вилоят босқичларини қўлга киритди. Тизим маъмурияти ва касба уюшмалари томонидан улар алоҳида рағбатлантирилди. Бундан ташқари, 339 нафар соҳа ходимига моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқда ишлаб пенсияга чиққан 25 нафар ходим ҳолидан байрамлар баҳонасида хабар олиниб, қўллаб-қувватланди. Устоз ва мураббийларнинг 400 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда имтиёзли тарзда дам олдирилди.

Қисқа қилиб айтганда, иш берувчи билан келишган ҳолда жамоа шартномасига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритганимиз самара бермоқда. Айни чоғда бу имтиёзлар жамоа манфаатига хизмат қилмоқда.

Бахтиёр ВАЛИЕВ,  
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Иштихон тумани кенгаши раиси



Саломатлик



# ПРОФИЛАКТИК ПОЙАБЗАЛ

## у қандли диабет хасталигига йўлиққанлар учун қай даражада фойдали?

...1967 йилнинг кузида таниқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг қанд касали хуруж қилиб, саломатлиги тўсатдан ёмонлашади ва оёқ оғриғи бошланади. Шундан сўнг рўй берган нохуш воқеалардан бири ҳақида ёзувчининг турмуш ўртоғи Кибриё Қаҳҳорова «Чорак аср ҳамнафас» китобида қўйидагича ҳикоя қилади:

**«1968 йилнинг январда бир куни ваннахонада ювинаётган чоғда чап оёқларининг бош бармоғи озгина шилинибди. Бир маҳал рангларини қув ўчган ҳолда ваннахонадан чиқдилару «Томон!» деб ўзларини каравотга ташладилар... Жонажон дўстлари Абдуҷамил Матқобилов қанд касалига чалиниб, оёғидан маҳрум бўлган эди. Биз уни оғир аҳволда ётганида касалхонага бориб кўрган эдик. Абдулла Қаҳҳор «Мен ҳам ўшандақ бўлиб қоламан», деб жуда-жуда изтироб чекдилар. Тангадай яра битавермагач, докторларнинг маслаҳатига кўра, Москвага олиб борадиган бўлдик...».**

Кўриб турганингиздек, Абдулла Қаҳҳор қандли диабет касаллигига йўлиққан ва унинг асоратлари тўғрисида 61 ёшида вафот этган.

### ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ҳар қандай илмий лойиҳа натижалари амалиётга татбиқ этилиши, тижоратлаштирилиши, пировардида жамиятга иқтисодий ёки ижтимоий-маънавий жиҳатдан фойда келтириши зарур. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори Мадина Муҳаммедова юқорида тилга олинган лойиҳа доирасида «Қандли диабет билан касалланган беморлар учун профилактик поймабзал ишлаб чиқариш» мавзусидаги стартап лойиҳани Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган танловга тақдим этиб, ғолиб бўлди. Ҳозир шу асосда профилактик поймабзалларни буюртмалар бўйича тайёрлаш йўлга қўйилган.

**СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, БУГУНГИ КУНДА ДУНЁ БЎЙИЧА 537 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД КИШИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТДАН АЗИЯТ ЧЕКАДИ. 2030 ЙИЛГА БОРИБ БУ КЎРСАТКИЧ 643 МИЛЛИОН КИШИГА ЕТАДИ, ЯЪНИ ҲАР 10 КИШИДАН БИРИ ШУ ДАРДГА ДУЧОР БЎЛАДИ. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНING ҚАРИЙБ 8,7 ФОИЗИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАНИ, УЛАРНИНГ СОНИ ЙИЛ САЙИН КЎПАЙИБ БОРАЁТГАНИ ҲАМ БУ МУАММО НИҲОЯТДА ДОЛЗАРБ ВА ХАВОТИРЛИ ЭКАНЛИГИНИ АНГЛАТАДИ.**

тўлақонли соғлом инсон сифатида ҳис қилишлари учун поймабзаллар кулай ва бежирим кўринишга эга бўлишини таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Ушбу оёқ кийимини тайёрлаш бир неча босқичли мураккаб технологик жараёни қамраб олади. Шунга биноан, илмий ва стартап лойиҳага ажратилган маблағлар ҳисобидан зарур асбоб-ускуналар сотиб олиниб, ўқув-илмий лаборатория ташкил қилинди. Айни кезларда унда 5 киши ишламоқда, шунингдек, талабалар амалиётни ўтаб, назарий билимларини мустаҳкамлашмоқда.

Қувонарлиси, лойиҳа доирасида ижрочилар яна бир янгиликка қўл урдилар. Аниқроғи, нефтьни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилардан гигиеник хусусиятга эга таглик ишлаб чиқариш технологиясини яратдилар. Янги таглик физик-механик ва терлатмаслик хусусиятларига кўра махсус поймабзаллар учун жуда мосдир.

— Ушбу оёқ кийимлари қандли диабет касаллиги зўрайишининг олдини олади, касаллик тўғрисида қандай қилиб чиққан асоратларни тўхтатади ва беморлар учун кулай саналади. Шу маънода лойиҳанинг иқтисодий самарасидан кўра ижтимоий-тиббий аҳамияти кўпроқдир, — дейди ёш тадбиркор.

**НАРХЛАР ҲАМЁНБОП, БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН**

Корхонанинг буюртмалар дафтари вақтларини қисқартиришга ҳар қандай ҳароат қилмастисиз, узоқ вақтдан буён қандли диабет билан курашаётган Юрий Тагуншиков корхона ҳақида эшитиб, манзилни суриштириб топиб келган ва бирийла ҳар бир мавсумга мўлжалланган 4 жуфт оёқ кийимига буюртма берган. Автоалоқат тўғрисида бир оёғи иккинчисига нисбатан калта ва кичик бўлиб қолган дубайлик Иброҳим Муҳаммад Иброҳим ал-Балучи хориждан буюртма асосида олган поймабзалида ўзини жуда ноқулай ҳис қилган. Сўнги

неча жуфт поймабзал олиб кетади ва махсулот сифатини, енгил ва кулайлигини эътироф этади.

Дарвоқе, мижозлар махсус поймабзалга қайта-қайта буюртма беришаркан унинг ишончилиги ва сифати юқориликдан далолат беради. Бозор иқтисодиёти эса махсулот бренди ва қадоқланиши замон талабларига мос бўлишини, реклама жозибадор ва ишончли равишда амалга оширилишини тақозо этади. Шундан кейиб чиқиб, профилактик поймабзал учун логотип ва қадоқлар ишлаб чиқилди, махсулот турлари ва хусусиятлари ҳақида маълумот олиш ҳамда буюртма бериш мумкин бўлган махсус сайт ишга туширилди.

Ҳозир корхонада асосан 5 нафар аёл меҳнат қилмоқда. Улар уй шароитида поймабзал қисмларини тайёрлаб бериб, даромад орттиришаркан. Келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринликка қўл урдилар. Аниқроғи, нефтьни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилардан гигиеник хусусиятга эга таглик ишлаб чиқариш технологиясини яратдилар. Янги таглик физик-механик ва терлатмаслик хусусиятларига кўра махсус поймабзаллар учун жуда мосдир.

— Ушбу оёқ кийимлари қандли диабет касаллиги зўрайишининг олдини олади, касаллик тўғрисида қандай қилиб чиққан асоратларни тўхтатади ва беморлар учун кулай саналади. Шу маънода лойиҳанинг иқтисодий самарасидан кўра ижтимоий-тиббий аҳамияти кўпроқдир, — дейди ёш тадбиркор.

### МАСЪУЛЛАР ЭЪТИБОР БЕРИШЛАРИ ЗАРУР

Лойиҳа натижаларини ҳамда профилактик поймабзални тарғиб этиш мақсадида ижрочилар томонидан касалхоналар, жойлардаги эндокринология марказлари билан музокаралар олиб боришмоқда, семинар ва кўрсатмалар уюштирилмоқда. Бундан кўра тўғридан тўғридан мақсад битта, у ҳам бўлса, махсулотнинг ўз эгаларига, яъни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи беморларга етказиб бериш, уларнинг мушуқлини осонлаштириб, ҳаётига ёрқинлик киритишдир. Бунинг учун махсус касалхона ва марказлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилса, улар профилактик поймабзалга эҳтиёжманд беморлар ва оёқ кийимининг ўлчамлари ҳақида аниқ маълумотлар беришса, махсулотни масофадан етказиб бериш хизматини ҳам йўлга қўйиш мумкин.

Айрим мамлакатларда бемордаги жараҳат даволанса ёки сўнги чора сифатида ампутация амалга оширилса, у давлат томонидан махсус поймабзал билан таъминланади. Шунга ўхшаш тажрибани бизда ҳам қўллаш, муайян нарх эвазига амалга ошириш мумкин. Бу беморлар учун ҳар томонлама фойдали бўлади, қолаверса, махсулотни кенг қўламда ишлаб чиқариш ва нархини пасайтириш имконини яратеди.

**Шаҳноза ЭРГАШЕВА,**  
Инновацион ривожланиш вазирлиги масъул ходими, филология фанлари номзоди

### ХАВОТИРЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ КЕРАК!

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунё бўйича 537 миллиондан зиёд киши қандли диабетдан азият чекади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 643 миллион кишига етади, яъни ҳар 10 кишидан бири шу дардга дучор бўлади. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 8,7 фоизи қандли диабет билан касаллангани, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам бу муаммо ниҳоятда долзарб ва хавотирли эканлигини аниқлатади.

Юртимизда қандли диабет профилактикаси, уни ташхислаш ва даволаш ишлари тизимли йўлга қўйилган. Ушбу касаллик билан оғирганлар ҳаётини енгиллаштириш, хасталик асоратларининг олдини олиш ва умрни узайтириш устида нафақат тиббий ходимлари, балки технологлар ҳам узлуксиз иш олиб боришмоқда.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилган «Қандли диабет билан касалланган беморлар учун профилактик поймабзалнинг самарали технологиясини яратиш ва конструкциясини ишлаб чиқиш» инновацион лойиҳаси мазкур муаммонинг илмий ечимини топишга қаратилган. Бухоро муҳандислик-технология институтида педагогика фанлари номзоди, доцент Лайло Узоқова раҳбарлигида илмий лойиҳа доирасида яратилган қандли диабет билан хасталанган беморлар учун ортопедик поймабзал ҳамда модификацияли ортопедик тагликка ихтиро патенти олинди. Айни йўналишдаги

тадқиқотлар академик Ё.Тўрақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари билан бевосита ҳамкорликда амалга оширилди. Натижалари марказ рўйхатида турган беморларда қўлланилиб, синовдан муваффақиятли ўтди.

Диабетга чалинган беморларнинг оёқ товонида пайдо бўладиган сурункали яралар ва қадоқлардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олишда профилактик поймабзалнинг фойдаси катта. Бундай беморларда оддий яллиғланиш ҳам жиддий яраларга сабаб бўлиши, ҳатто гангрена ҳолатига олиб бориши эҳтимолдан холи эмас.

Қандли диабет хасталиги бор беморлар учун асосий профилактика воситаси оёқ парвариши ҳамда тўғри танланган ортопедик поймабзалдир. У оёқда пайдо бўладиган жароҳатларнинг олдини олиб, мажруҳлик даражасини камайтиради ва оёқ ампутиацияси (кесиб ташлашни)нинг кафолатли реал профилактикаси ҳисобланади.

Илмий лойиҳа ниҳоясида беморлар оёқларидаги диабетик патологиянинг бошланғич даражаси, жисмоний ва биомеханик хоссалари тадқиқ этилиб ва тиббий-техник талаблардан келиб чиққан ҳолда, профилактик поймабзалнинг мақбул конструкциясини ишлаб чиқиш технологияси яратилди.

пайтларда у ҳам биздаги корхонанинг доимий мижозига айланган. Инчунин, ҳар гул Ўзбекистонга келганида бир



**МУАССИС:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Суҳроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари).

Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб — «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб — «Ishonch-Доверие»)

**Бош муҳаррир**  
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69  
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

[www.ishonch.uz](http://www.ishonch.uz)  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти — (+998-99) 889-90-23  
Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти — (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26  
Сурхондарё вилояти — (+998-99) 889-98-55  
Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилмиши шарт.

**Муаллифлар фирми таҳририят нуктаси назардан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**  
С. Абдураҳмонов

**Мусахифчи:**  
Д. Худойберганаева,  
Д. Равшанова

**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти — **22:50**  
Топширилди — **23:10**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ.  
Буюртма **Г-906**  
**31536** нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**  
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: [ishonch1991@yandex.uz](mailto:ishonch1991@yandex.uz)

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
**Корхона манзили:**  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКДЭ: 58130